XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2021 - yil 31 - dekabr VI-29-65-5-0-K/21 Navoiy viloyat hokimligi

Навоий вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/838-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонунига (кейинги ўринларда - Қонун деб аталади) мувофиқ, Навоий вилоятининг маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 2186.3, млрд. сўм, харажатлари 2186.3 млрд. сўм прогноз қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун Навоий вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага мувофиқ, 2022 йил учун вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот

учун қабул қилинсин.

4. Қуйидагилар:

2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин, бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Навоий вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. 2022 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2022 йил учун вилоят бюджетидан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 9,0 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Навоий вилояти вилоят бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори

5956,4 млн. сўмни ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

8. Навоий вилояти 2022 йилда туманларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв. метр учун белгиланадиган минимал миқдорга нисбатан қўлланиладиган коэффициентлар 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкаларига тегишлича камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни ҳудудларда жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

10. Қонун билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

Навоий шаҳар ва Томди тумани маҳаллий бюджетлари даромадларининг

харажатларидан юқори бўлганлигини инобатга олиб, Навоий шаҳрида қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ вилоят бюджетига олинсин ҳамда Томди туманида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ вилоят ва туман бюджетлари ўртасида тенг улушларда тақсимлансин;

б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар ҳамда хусусийлаштириш ва бошқа солиқ турларидан тўловлар;

в) вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида

тақсимланади:

Қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 63 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумлар (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимлаш ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғидан тушумлар ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимлаш 4- иловага асосан;

фойда солиғидан тушумлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари).

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов), вилоят молия бош бошқармаси (Д.Очилов), давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев) туман (шаҳар) ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетнинг прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

12. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев)га туман (шаҳар)

давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланиши ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш, бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш топширилсин.

13. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Д.Нишонов) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв. метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

14. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев) Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси Навоий минтақавий инспекцияси ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар

ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатиш бўйича тегишли ишларни амалга оширсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган каръерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

15. Мажбурий ижро бюроси Навоий вилоят бошқармаси (О.Мардонов) вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирларни кўрсин.

16. Туман (шаҳар) ҳокимликлари жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

17. Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Жумаев)га Бўш турган объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Шарипов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини “e-ijro auksion” майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

18. Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Жумаев), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев), вилоят молия бош бошқармаси (Д.Очилов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

19. Монополияга қарши кўрашиш қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Муҳамадиев) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

20. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Н.Шомуродов) ва вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин. Бунда, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

21. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Тасбаев), йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (А.Ҳафизов) Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (Б.Сафаров) билан биргаликда ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

22. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (М.Сувонов) халқ таълими, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш бош бошқармаларининг ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар чорак якуни билан

Кенгашга ахборот киритиб борсин.

Ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботини ҳар чоракда Кенгаш сессияларида эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин.

23. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга, натижалари бўйича тавсиялар беришга, мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

24. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

туман ва шаҳар бюджетлари жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин. Бунда, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий

тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

25. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамурадов), халқ депутатлари вилояти Кенгаши котибияти, туман ва шаҳар ҳокимликлари, тегишли бошқарма бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

26. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

27. Мазкур қарор “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

28. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

29. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов) ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Т.Ўринов) зиммасига юклатилсин.

Сессияда раислик қилувчи **Ж. Ҳамраев**

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-29-65-5-0-K/21-сон қарорига
1-илова

Навоий вилоятининг 2022 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	54 830
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,2
3.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	107,3
4.	Қурилиш ўсиш суръати, фоизда	104,3
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	102,8
6.	Хизматлар ўсиш суръати фоизда	149,9

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-29-65-5-0-K/21-сон қарорига
2-илова

Навоий вилоятининг вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		1 574 819 380
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	96 161 940
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	83 483 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	635 873 640
4	Қўшилган қиймат солиғи	
5	Акциз солиғи, жами	96 601 000
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*96 601 000*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	160 227 100
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0
8	Юридик шахслар ер солиғи	185 285 000
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	0
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	115 789 000
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	24 913 000
12	Давлат божи	54 941 000
13	Жарималар	39 973 000
14	Ижара тўлови	3 773 000
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	6 551 000
16	Йиғимлар	42 898 000
17	Бошқа тушумлар	28 349 700

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-29-65-5-0-K/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Навоий вилоятининг вилоят бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
Харажатлар миқдори, Жами		**1 574 819 380,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**727 664 565,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**177 715 707,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**669 439 108,0**
1	**Халқ таълими бошқармаси**	**70 466 386,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	70 466 386,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**3 170 818,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 170 818,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Ўрта махсус касб ҳунар таълим бошқармаси**	**954 790,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	954 790,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**266 905 389,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	266 905 389,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Маданият бошқармаси**	**27 689 207,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	27 689 207,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

6	**Туризим ва спорт бошқармаси**	**26 736 477,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	26 736 477,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**55 454 410,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	55 454 410,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**2 503 006,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 503 006,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Ўсимликлар карантин ва ҳимояси бошқармаси**	**8 330 367,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 330 367,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Ирригация тизимлари харажатлари**	**118 211 520,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	107 211 520,0
	Суғориладиган ерларни милиратив ҳолатини яхшилаш	11 000 000,0
11	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**17 004 525,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	17 004 525,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Транспорт департаменти**	**2 410 776,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 410 776,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**6 516 362,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 516 362,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Инвестициялар бош бошқармаси**	**7 101 945,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 101 945,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

15	**Кўп каватирали уйлардаги лифтларни таъмирлаш ва янгилаш учун**	**6 650 000,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 650 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**4 391 710,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 391 710,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17	**Давлат активларини бошқариш агентлиги**	**1 755 882,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 755 882,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	**Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш агентлиги**	**1 549 229,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 549 229,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19	**Бандлик бош бошқармаси**	**1 542 704,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 542 704,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 153 682,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 153 682,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21	**Адлия бошқармаси**	**6 030 427,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 030 427,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22	**Иктисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошкармаси**	**187 535 728,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 820 021,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	177 715 707,0
23	**Молия бош бошқармаси**	**8 921 653,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 662 843,0
	шу жумладан: сақлаш харажатларига	
	Фуқароларга етказилган зарарни қоплаш	2 100 000,0
	Малака ошириш харажатлари	158 810,0
	Адвокатлар кўрсатган юридик хизмат	1 000 000,0
24	**Ғазначилик бошқармаси**	**6 574 763,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 574 763,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25	**Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**7 323 667,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 323 667,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26	**Махсус экспулатация монтаж бўлими**	**7 115 829,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 115 829,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27	**Ҳокимлик**	**25 573 498,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	25 573 498,0
	Ҳокимликни сақлаш харажатлари	9 426 547,0
	Халқ қабулхонасини сақлаш харажатлари	3 908 359,0
	Бош вазир қабулхонаси	420 352,0
	Халк депутатлари Кенгаши котибияти	434 711,0
	Ҳокимликларнинг заҳира жамғармалари	9 005 455,0
	Норентабель автобус йўналишларининг субсидиялаш	936 000,0
	Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси	416 313,0
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси	379 966,0
	Ҳокимлик ижтимоий мослашиш маркази бўлимлари	645 795,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28	**Сайлов комиссиялари харажаилари**	**66 434,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	66 434,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29	**Пиллачилик ва қоракўлчирикни ривожлантириш ҳудудий бўлими**	**223 032,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	223 032,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**1 637 148,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 637 148,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31	**Монополияга карши курашиш бошкармаси**	**1 485 910,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 485 910,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32	**ФХДЁ**	**1 376 344,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 376 344,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**1 870 086,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 870 086,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34	**Ёшлар агентлиги**	**5 168 043,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 168 043,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35	**Нодавлат-нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**	**1 264 467,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 264 467,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспецияси Навоий вилояти бошкармаси**	**5 540 398,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 540 398,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37	**Архив ишлар бошқармаси**	**2 516 471,0**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар	2 516 471,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38	**Бошқа ташкилотлар**	**3 657 189,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 657 189,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-29-65-5-0-K/21-сон қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
1	Навоий шаҳри	40	0	9	100	0
2	Зарафшон шаҳри	100	0	9	100	100
3	Ғозғон шаҳри	100	0	30	100	100
4	Учқудуқ тумани	50	0	10	100	100
5	Кармана тумани	50	0	10	100*	100
6	Конимех тумани	0	0	10	100	100
7	Қизилтепа тумани	100	100	30	100	100
8	Навбаҳор тумани	100	100	30	100	100
9	Нурота тумани	100	100	30	100	100
10	Томди тумани	0	0	10	50	100
11	Хатирчи тумани	100	100	30	100	100

* Кармана тумани ҳудудида жойлашган электр станцияси томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ вилоят бюджетига тўлиқ ўтказилади.

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-29-65-5-0-K/21-сон қарорига
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	**Даромад**	**Харажат**
ЖАМИ	**611 514 740,0**	**1 280 953 848,0**
Навоий шаҳри	127 388 810,0	149 505 106,0
Зарафшон шаҳри	63 187 030,0	135 053 627,0
Ғозғон шаҳри	4 077 000,0	18 042 805,0
Учқудуқ тумани	50 643 200,0	86 782 448,0
Кармана тумани	87 387 800,0	127 289 515,0
Конимех тумани	24 730 700,0	71 970 753,0
Қизилтепа тумани	72 008 600,0	179 930 200,0
Навбаҳор тумани	44 837 600,0	127 461 301,0
Нурота тумани	37 268 400,0	119 360 279,0
Томди тумани	26 791 600,0	41 596 951,0
Хатирчи тумани	73 194 000,0	223 960 863,0

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-29-65-5-0-K/21-сон қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**669 439 108,0**
шундан	
Навоий шаҳри	22 116 296,0
Зарафшон шаҳри	71 866 597,0
Ғозғон шаҳри	13 965 805,0
Учқудуқ тумани	36 139 248,0
Кармана тумани	39 901 715,0
Конимех тумани	47 240 053,0
Қизилтепа тумани	107 921 600,0
Навбаҳор тумани	82 623 701,0
Нурота тумани	82 091 879,0
Томди тумани	14 805 351,0
Хатирчи тумани	150 766 863,0

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-29-65-5-0-K/21-сон қарорига
7-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**6 143 624,0**
	шундан	
1	Навоий шаҳри	**999 701,0**
2	Зарафшон шаҳри	**829 098,0**
3	Ғазғон шаҳри	**74 555,0**
4	Учқудуқ тумани	**532 149,0**
5	Кармана тумани	**690 742,0**
6	Конимех тумани	**311 686,0**
7	Қизилтепа тумани	**819 025,0**
8	Навбаҳор тумани	**637 590,0**
9	Нурота тумани	**391 416,0**
10	Томди тумани	**215 840,0**
11	Хатирчи тумани	**641 822,0**

Халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-29-65-5-0-K/21-сон қарорига
8-илова

Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдорга нисбаттан қўлланиладиган коэффициентлар

сўмда

Т/р	Туманлар номи	2022 йил учун белгиланган коэффициентлар		
		Юридик шахсларнинг бино ва ншоотларининг1 кв.метр учун мутлоқ миқдор	Қўлланиладиган коэффициент	Юридик шахсларнинг бино ва ншоотларининг 1 кв.метр учун солиқ суммаси
1	Учқудуқ тумани	1 000 000,0	0,9	900 000,0
2	Конимех тумани	1 000 000,0	0,9	900 000,0
3	Томди тумани	1 000 000,0	0,8	800 000,0
4	Навбаҳор тумани	1 000 000,0	0,9	900 000,0
5	Нурота тумани	1 000 000,0	0,9	900 000,0